

**АККРЕДИТИВГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА
_____-СОНЛИ ШАРТНОМА**

_____ ш. 20 ____ й. « ____ » _____

Кейинги матнда «**Банк**» деб юритиладиган АЖ «InfinBank» номидан _____ асосида ҳаракат қилувчи _____, бир томондан, ва кейинги матнда «**Буйруқ берувчи**» деб юритиладиган _____ номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи _____, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

1.1. Ушбу Шартномада, бевосита ўзгача изох назарда тутилган бўлмаса, мазкур бандда келтирилган атамалар ва таърифлар қуйидаги маънони билдиради:

- **Аккредитив** – Банк томонидан ушбу Шартномага мувофиқ очилган чақириб олинмайдиган ҳужжатли аккредитив;
- **Бенефициар** – Банк билан келишилган, Чақириб олинмайдиган ҳужжатли Аккредитив очишга Аризада кўрсатилган ва фойдасига тегишли Аккредитив очиладиган юридик шахс;
- **Импорт контракти** – тўловларни амалга ошириш учун Банк Аккредитив очишга асос бўладиган, Буйруқ берувчи ва Бенефициар ўртасида тузилган товар, хом-ашё, ускуналар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишга шартнома;
- **Инобанк** – Банкнинг Аккредитив бўйича мажбуриятига айнан ўхшаш бўлган мажбуриятни ўз зиммасига олишга розилик билдирадиган ёки Буйруқ берувчининг хизмат кўрсатувчи банки бўлган, Банк билан келишилган ва Аккредитив очишга Аризада кўрсатилган банк;
- **«Пост-молиялаштириш»** Инобанк томонидан Бенефициарга аккредитив шартларига мувофиқ Аккредитив бўйича тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тўловларни тўлаш натижасида юзага келадиган ва Банк томонидан келишилган муддатга Инобанк томонидан тақдим этиладиган Банк молиялаштирувини билдиради.
- **«Пост-молиялаштириш бошланган санаси»** Инобанк томонидан Бенефициарга аккредитив шартларига мувофиқ Аккредитив бўйича тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тўловлар тўланган санасини билдиради.
- **«Пост-молиялаштириш қайтариб берилган санаси»** Банкнинг Инобанк олдида у Бенефициарга аккредитив шартларига мувофиқ Аккредитив бўйича тақдим этилган ҳужжатлар бўйича тўловлар тўлаганлиги натижасида юзага келган мажбуриятларини тўлиқ бажариш санасини билдиради
- **«Пост-молиялаштириш даври»** Пост-молиялаштириш бошланган санасидан бошлаб Пост-молиялаштириш қайтариб берилган санасигача бўлган даврни билдиради.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Буйруқ берувчи ва «_____» Компанияси ўртасида _____ импорт қилиш учун _____ й. тузилган _____-сонли контракт бўйича _____ ЕВРО/АҚШ долларига чақириб олинмайдиган, тасдиқланган,

копланмаган аккредитив очишга топшириқ беради, Банк эса уни ушбу шартнома имзоланган кунидан бошлаб _____ кун давомида аккредитив очиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.2. Аккредитив бўйича тўлов ижро этувчи банкка ҳужжатлар кўрсатилишида амалга оширилади ва бунда аккредитив очилган санадан бошлаб _____ кун муддатига, кейинчалик узайтириш имкониятисиз, постмолиялаштириш тақдим этилади.

2.3. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича бажарилишини таъминлаш мақсадида таъминот сифатида қуйидагилар қабул қилинади: _____

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Банкнинг таваккалчилиги учун мукофот йиллик _____ (_____) % ташкил этади. Фоизлар аккредитив очилган кунидан бошлаб, қайси бири аввалроқ келишига қараб, аккредитив бўйича қоплама аккредитив валютасида таъминланган санасигача ёки аккредитив бўйича якуний тўлов амалга оширилган санасигача (постмолиялаштириш муддатининг якунланган санаси) бўлган даврда аккредитив бўйича мажбуриятлар суммасига (йиллик базавий давр – 360 кун) ҳисобланади.

Фоизлар ҳар ойнинг 15 кунда ҳамда аккредитив бўйича якуний тўлов амалга оширилган санада (постмолиялаштириш муддатининг якунланган санаси) тўланади.

3.2. Банкнинг аккредитив бўйича, юқорида келтирилган таваккалчилик учун мукофотдан ташқари, бошқа воситачилик ҳақлари, шунингдек, тасдиқловчи банк, ижро этувчи банк, кафил-банкнинг воситачилик ҳақи ва фоизлари Банкда белгиланган тарифлар ва ушбу шартноманинг 1-Иловасига мувофиқ ундирилади.

3.3. Банкнинг воситачилик ҳақлари ва фоизлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тўлов кунда ЕВРО/USD Ўзбекистон сўмига нисбатан белгиланган курси бўйича миллий валюта – сўмда тўланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Банкнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

4.1.1. Банк аккредитив бўйича тақдим этилган ҳужжатларни тўлашни ва/ёки постмолиялаштиришни тақдим этишни, агар уларда товар етиб келмаслиги ва дебиторлик қарздорлиги ҳосил бўлиши хавфини юзага келтириши мумкин бўлган аҳамиятли фарқлар мавжуд бўлса, Буйруқ берувчи билан келишилмаган ҳолда рад этиш ҳуқуқига эга.

4.1.2. Банк ушбу Шартнома доирасида тақдим этилаётган аккредитив бўйича товар етказиб берилиши ва Бенефициар билан ҳисоб-китоблар юзасидан Буйруқ берувчи билан биргаликда солиштирув ўтказиш ҳуқуқига эга.

4.1.3. Буйруқ берувчи аккредитив очилишига қадар ушбу Шартноманинг 2.3-бандида қайд этилган тегишли таъминот тўғрисидаги шартномани тегишлича расмийлаштириш ва Банкка тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.1.4. Банк Буйруқ берувчининг топшириғига кўра импорт контракти ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ чақириб олинмайдиган тасдиқланган аккредитив очиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.1.5. Банк аккредитивни ижро этиш бўйича ҳужжатларни қабул қилиш ва Буйруқ берувчига ўтказиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.1.6. Банк ҳисобварақлар юзасидан операцияларни амалдаги банк операцияларини бажариш қоидаларига мувофиқ амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Буйруқ берувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

4.2.1. Буйруқ берувчи ушбу шартнома ва аккредитив шартларига мувофиқ Банкнинг воситачилик ҳақлари ва фоизларини, тасдиқловчи банк, ижро этувчи банк ва авизаловчи банкнинг аккредитив бўйича воситачилик ҳақлари ва фоизларини 1-сонли иловага асосан

тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Буйруқ берувчи аккредитив бўйича Банкнинг воситачилик ҳақлари ва фоизларни ва бошқа банкларнинг воситачилик ҳақларини Буйруқ берувчининг барча ҳисобварақларидан пул маблағларини акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини Банкга тақдим этади.

4.2.2. Буйруқ берувчи аккредитив бўйича қоплама муддатидан илгари таъминланиши ҳуқуқига эга.

4.2.3. Буйруқ берувчи ижро этувчи банкка аккредитив бўйича тўлов санаси келишидан 10 (ўн) календар куни (аккредитив бўйича тақдим этилган постмолиялаштириш муддати яқунланишидан) олдин, Банк томонидан аккредитив бўйича тўланган суммани қайтариш учун етарли, аккредитив валютасидаги маблағ миқдорини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Агар Буйруқ берувчининг аккредитив бўйича тўлов санасидан 10 (ўн) календар куни (аккредитив бўйича тақдим этилган постмолиялаштириш муддати яқунланишидан) олдин Эмитент Банкдаги тегишли ҳисобварақларида аккредитив валютасида пул маблағлари бўлмаса, Банк ушбу Шартнома доирасида очилаётган аккредитив бўйича постмолиялаштириш муддатини, Тасдиқловчи банкнинг розилиги мавжуд бўлишида, Буйруқ берувчи билан келишилмаган ҳолда узайтириш ҳуқуқига эга.

4.2.4. Тасдиқловчи банк постмолиялаштиришни рад этган ва/ёки Буйруқ берувчининг ҳисобварақларидаги маблағ етарли (мавжуд) бўлмаганда Банк ижро этувчи банкка аккредитив бўйича тўловни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

4.2.5. Банк томонидан аккредитив бўйича сумма тўлови Банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тақдирда Буйруқ берувчи бундай суммани ўзининг Банк олдидаги сўзсиз қарзи сифатида эътироф этади. Бунда Буйруқ берувчи Банк олдидаги ўз қарзини Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобидан аккредитив суммаси тўланган кунидан бошлаб кўпи билан 30 (ўттиз) кун ичида аккредитив валютасида қайтариб бериши ва Банк томонидан аккредитив бўйича тўланган ва Буйруқ берувчи томонидан қайтарилмаган суммага ҳисобланадиган воситачилик ҳақини Банк томонидан бундай тўлов ўтказилган кунидан бошлаб Буйруқ берувчи қарзни тўлиқ қайтариши кунига қадар қуйидаги ставкалар бўйича тўлаши шарт, хусусан: дастлабки 30 кун – ҳар кун учун _____%, 30 кундан кейин – ҳар кун _____%. Ушбу воситачилик ҳақи ҳар ойнинг 15 кунда ҳамда Буйруқ берувчи томонидан қарз тўлиқ қопланган санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг воситачилик ҳақи тўланган санасидаги курси бўйича миллий валютада тўланади.

4.2.6. Бош битимнинг 13.1-бандига мувофиқ Банк муддатидан илгари (аккредитив бўйича тақдим этилган постмолиялаштириш муддати яқунланишидан олдин) ижро этувчи банкка аккредитив бўйича тўловни ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда, Мижоз бундай суммани ўзининг аккредитив валютасида қайтарилиши лозим бўлган Банк олдидаги сўзсиз қарзи сифатида эътироф этади ва Банкка ушбу Шартноманинг 4.11.1-бандига мувофиқ воситачилик ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2.7. Буйруқ берувчининг ҳисобварақларида қарздорликни тўлаш учун етарли пул маблағлари бўлмаган ҳолда, Банк ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буйруқ берувчининг исталган мол-мулкига қаратиш ҳуқуқига эга бўлади.

4.2.8. Аккредитив бўйича тўланган суммалар ҳамда воситачилик ҳақи, жарималар ва бошқа тўловлар белгиланган муддатларда Буйруқ берувчи томонидан тўланмаган, ва/ёки аккредитив бўйича тўланган суммалар Банк томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтарилган тақдирда, Буйруқ берувчи Банкка ЎЗР банкларида очилган Буйруқ берувчининг барча ҳисобварақлари ҳисобидан акцептсиз тартибда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини беради.

4.2.9. Буйруқ берувчи ушбу Шартнома бўйича Банкка ўтказилиши лозим бўлган барча суммаларни аккредитив валютасида ва/ёки Банк танловига кўра, амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎЗР МБ тўлов кунидagi курси бўйича ва/ёки Банк тўлов валютасини олиш имконига эга бўлган энг яқин санада валюта бозорида ушбу санада устун бўлган

валюталарни сотиб олиш курси бўйича тўлов валютасига айирбошлаш орқали биржа курси бўйича миллий валютада қайтариши шарт. Бундай айирбошлаш бўйича барча сарф-ҳаражатларни, шу жумладан Банкнинг айирбошлаш санасидан бошлаб Буйруқ берувчи томонидан Банкка тўлиқ сумма қопланиши санасига қадар валюталар курси ўзгариши оқибатида юзага келган йўқотишларини қоплаш мажбурияти Буйруқ берувчининг зиммасида бўлади. Бундай ҳолатда Банк амалга оширилган сарф-ҳаражатлар суммасини Буйруқ берувчидан сўзсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу Шартнома бўйича Банкка тегишли бўлган суммаларни миллий валютада тўлаш Банкнинг ёзма рухсатномаси асосидагина амалга оширилади.

4.2.10. Агар Банк аккредитив бўйича тўланган суммани қоплашни аккредитив валютасидан бошқа валютада (миллий валютада) амалга оширган бўлса, Буйруқ берувчи Банкка аккредитив валютасидан бошқа валютада амалда тўланган сумманинг ____% миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўлов санасига белгиланган курси бўйича миллий валютада) жарима тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2.11. Аккредитив бўйича қоплама муддатидан илгари таъминланган тақдирда, Банк аккредитив бўйича тўланган суммаларни муддатидан илгари (аккредитив бўйича тақдим этилган постмолиялаштириш муддати якунланишидан олдин) қайтариш ҳуқуқига эга.

4.2.12. Буйруқ берувчи/гаровга кўювчи ташаббуси билан гаров таъминоти алмаштирилган тақдирда, Буйруқ берувчи Банк олдидаги мажбуриятлари қолдиғининг 1% миқдорида воситачилик ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонлар Шартнома бўйича мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган куч ҳолати, яъни: ёнғин, сув тошқини, zilзила ва ҳ.к. оқибатида қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод бўлади.

5.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаган томон бошқа Томонни енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзага келганлиги ёки якунланганлиги тўғрисида дарҳол хабардор қилади.

5.3. Кўрсатилган ҳолатлар бир ойдан кўп давом этаётган бўлса, Томонлардан ҳар бири Шартномани тугатиши мумкин. Бундай ҳолатда Шартнома ижро этилмаган қисмида тугатилади. Томонлар шартноманинг ижро этилган ва ижро этилмаган қисмлари бўйича якуний ҳисоб-китобларни амалга оширадilar.

5.4. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари, улар шунга ваколатланган органлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган бўлса форс-мажор ҳисобланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

6.1. Ушбу Шартномага боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар Томонлар тарафида имкон қадар музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

6.2. Ушбу шартнома бўйича низолар юзасидан келишувга эришилмаганда улар Банк жойлашган ҳудуддаги судга киритилади.

7. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги учун ЎЗР қонун ҳужжатларида ва UCP 600 ҳужжатли аккредитивлар учун унификацияланган қоидалар ва одатларда белгиланган тартибда жавобгар бўладilar.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган шартлар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ўзгартирилиши мумкин.

7.3. Ушбу шартномага киритиладиган барча ўзгартиришлар қўшимча келишувлар билан расмийлаштирилади.

7.4. Томонларнинг келишувига кўра, томонлардан бири ушбу шартнома амалда бўлган даврда қайта ташкил этилса ва унинг юридик мақомига ўзгача ўзгартиришлар киритилса, ушбу шартнома ўз кучини сақлайди ва ўзгартиришлар киритилган томоннинг ҳуқуқий вориси ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади ва унда баён қилинган барча мажбуриятлар сақланиб қолади.

7.5. Томонларнинг бири ёки иккаласи мустақил юридик шахс сифатида фаолиятини тугатган тақдирда, ўрни босилаётган томоннинг олдинги ёки олдингига ўхшаш вазифаларини ва мажбуриятларини ўз зиммасига олаётган янги орган ёки ташкилот тугатилган томоннинг ҳуқуқий вориси сифатида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олади.

7.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган барча бошқа ҳолатларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосланадилар.

7.7. Шартнома иккала томон тарафидан имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва Буйруқ берувчи Банк олдидаги ушбу шартномада назарда тутилган ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб тугатмагунга қадар амалда бўлади.

7.8. Томонлар ушбу билан мазкур Шартноманинг қатъий махфийлигини таъминлаш ва ўзаро келишмасдан уни учинчи шахсга ошқор қилмаслик мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

7.9. Шартнома икки нусхада тузилди, уларнинг ҳар бири юридик ҳужжат мақомига эга ва ҳар бир томон учун бир нусхадан берилди.

7.10. Буйруқ берувчи ушбу шартномани имзолаш орқали ушбу Шартноманинг 1-сонли Иловасида белгиланган шартлар билан танишганини, уларга рози эканлигини ва ҳеч қандай эътирозлари мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

8. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

«Банк»:

«Буйруқ берувчи»:

АЖ «InfinBank»

Бошқарувчи

Ф.И.О., имзо _____

Бош бухгалтер

Ф.И.О., имзо _____

Директор

Ф.И.О., имзо _____

Бош бухгалтер

Ф.И.О., имзо _____